



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 1-may • Shanba • 51 (31.171) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ХАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 30 апрель куни, Осие тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси арафасида Оқсаройда ОТБ президенти Харухико Куродани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, мамлакатимиз билан кўп йиллардан буён яқин ҳамкорлик қилиб келатган ОТБ ҳақида равишда энг нуфузли ва етакчи халқаро молия муассасаларидан бири эканини таъкидлади. Банкининг Ўзбекистон билан изчил амалга ошириб келатган ҳамкорлик стратегияси бунинг тасдиғидир.

Осие тараққиёт банкининг навбатдаги мажлисига мезбон сифатида Тошкент танлангани учун Сизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Бундай нуфузли халқаро анжуманининг Тошкентда ўтказилиши мамлакатимиз учун катта шараф, ани пайда тарихий воқеадир. Осие тараққиёт банки бошқарувчиларининг кейинги мажлисларида умумий қиймати 1 миллиард 140 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган тўрт йirik сармоявий лойиҳа маъқулланди. Бу лойиҳалар транспорт-коммуникация инфратузилмаси ва ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш, коммунал хўжаликни ривожлантириш, Толлимаржон ИЭСида буг-газ қурилмаси барпо этиш, шунингдек, мамлакатимиз тижорат банклари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш каби муҳим йўналишларни қамраб олади, — деди Президентимиз Ислон Каримов.

Ўзбекистон Осие тараққиёт банки билан ҳамкорликда иқтисодийнинг устувор тармоқларида йirik лойиҳаларни амалга оширмоқда. Улар стратегик ва муҳим аҳамиятга эга соҳаларни ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимизда иқтисодийнинг ислоҳ этиш ва эркинлаштиришнинг ҳужукий асоси ва қўлай сармоявий муҳит яратилгани туфайли ОТБ мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилган бу лойиҳалар муваффақиятли ижро этилмоқда.

ОТБнинг 43-йиллик мажлиси шу кунларда Тошкент шаҳрида ўз иш-ни бошлади ва Марказий Осие

минтақасида бундай юксак даражадаги илк форум ҳамда ривожланишнинг «Ўзбек модели» самараларлиги халқаро миқёсда эътироф этилганидан яна бир далolat бўлади. 2-4 май кунлари АСЕАН+3 мамлакатлари молия вазирларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтади. Унда ОТБнинг «Стратегия — 2020» дастурини, шунингдек, глобал молиявий тизимни ислоҳ этиш, Осие мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги ва инкироздан кейинги ривожланиши, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни муҳофаза қилиш кўзда тутилган.

Халқаро молия муассасалари, жумладан, ОТБ етакчи эксперт ва мутахассисларининг эътирофи этишча, Ўзбекистон Республикаси иқтисодийнинг ҳозирги ривожланиш даражаси глобал инкироз шароитида асосий иқтисодий кўрсаткичлар ва иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги билан кўллаларга ўрнак бўлади.

Харухико Курода таъкидлаганидек, Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари ишончли тарзда таъминланган санокли давлатлардан бири бўлди. Унинг фикрича, «Ўзбек модели» муваффақиятининг асоси яна шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ҳозирги шароитда фақат ташқи қарзларга таянмасдан, иқтисодийни фаол диверсификация қилиш ҳамда бой минерал, ишлаб чиқариш-саноат, қишлоқ хўжалиги ресурсларидан ва, энг муҳими, инсоннинг юксак интеллектуал салоҳиятидан оқилона фойдаланиш чораларини кўрди.

ОТБ президенти Х.Курода самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ОТБ иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг турли соҳаларида Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришдан гоят манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 30 апрель куни Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осие мамлакатлари бўйича вице-президенти Филипп Ле Уэйруни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, мамлакатимиз иқтисодийнинг устувор соҳалари бўйича ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар стратегик аҳамиятга эга эканини, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик кўлами изчил кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Осие тараққиёт банкининг Тошкентда ўтадиган йиллик мажлисида Жаҳон банки вакилларининг иштирокида Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликнинг юксак даражада ривожланиётганини яна бир бор тасдиқлади, — деди Ислон Каримов.

ОТБнинг шу кунларда иш бошлайдиган 43-йиллик мажлисида Жаҳон банки ва қатор бошқа хорижий банк-молия муассасаларидан нуфузли делегациялар иштирок этаётгани диққатга сазовордир. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган инкирозга қарши чоралар дастури ва иқтисодий ислохотлар «Ўзбек модели» самараларлигининг яна бир тасдиғидир.

Ушбу нуфузли халқаро молия муассасаси билан ҳамкорликда иқтисодийнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада йигирмага яқин лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Улар орасида

айниқса аграр секторда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш, коммунал хўжалик соҳасини модернизация қилиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

Оқсаройдаги учрашувда Филипп Ле Уэйру самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида иқтисодийнинг асосий кўрсаткичлари ва ўсиш суръатини барқарор сақлаб қолган давлат сифатида ўрнак бўлаётган Ўзбекистонда бундай нуфузли халқаро форумнинг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Меҳмон ОТБнинг ушбу мажлиси Ўзбекистоннинг юксак сармоявий жозибдорлигидан далolat эканини, мамлакатни модернизация қилиш йўналишлари тўғрисидаги иш-ишларининг яна бир тасдиғи бўлишини қайд этди.

Мулоқот чоғида қўшма лойиҳалар ижросига, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш иштирокчиларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти



Билимли, ғайратли, навқирон

Йигит-қизлар билан сафимиз кенгаймоқда, — дея таъкидланди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Қорақалпоғистон республика, Хоразм, Сирдарё вилоят бўлимлари конференцияларида

— Ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари, маҳаллий Кенгашларига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга 50 нафар ёш сафдошимиз ишончли вакил бўлди, — деди ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Гулмира Узакбергенова партиямизнинг қорақалпоғистонлик ёш фаоллари анжуманида. — «Истиқбол»нинг фаол аъзоси Усмонбек Ражаббоев Жўқорғи Кенгеста, ташаббускор йигит-қизлардан ўн нафарга яқини шаҳар ва туман Кенгашларига депутат этиб сайланди. Бугунги сай-ҳаракатларимиз кейинги сайловларда уларнинг сафини янада кенгайтиришга замин бўлиши керак.

2-бет >>>



9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Хотира боқийдир, қадр — муқаддас

Ўтганларни хотирлаш ва кексаларга иззат-икром кўрсатиш — халқимизнинг боқий қадриятларидан биридир. Юртимизда уруш ва меҳнат фахрийларини, ёши улугларни эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда пойтахтимизда «Хотира боқийдир, қадр — муқаддас» мавзусида учрашув ўтказилиб, унга Тошкент шаҳри ҳамда Навоий вилоятидан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва ўқувчи-ёшлари таклиф этилди.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган ушбу тадбир иштирокчилари пойтахтимиздаги Муस्ताқиллик майдони, «Ватанга қасамёд» мажмуаси ҳамда Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуаларини бориб кўрдилар. Уруш ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари топширилди.

Республика «Нуроний» жамғармаси, Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган бу учрашув ёшларда катта таассурот қолдирди.

Гўзал САТТОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси билан Осие тараққиёт банки (ОТБ) ўртасида 1995 йилда бошланган ўзаро манфаатли муносабатлар изчил ривожланмоқда. ОТБ Бошқарувчилари Кенгашининг 2009 йил май ойида бўлиб ўтган йилгиликда ушбу ташкилотнинг навбатдаги 43-йиллик мажлисини Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилинганлиги ҳам шундан далolat беради.



3-бет

O'zbekiston havo yo'llari

Хизматлар лицензияланган

1 май об-ҳавоси



Юртимизда Хорижда

Тошкент	— 26°C	Лондон	— 18°C
Самарқанд	— 25°C	Париж	— 25°C
Нукус	— 20°C	Москва	— 11°C
Қарши	— 27°C	Мадрид	— 24°C
Урганч	— 22°C	Пекин	— 15°C
Навоий	— 25°C	Гонконг	— 23°C
Фарғона	— 24°C	Рим	— 19°C
Бухоро	— 25°C	Анқара	— 16°C
Андижон	— 24°C	Токио	— 20°C
Наманган	— 24°C	Стокгольм	— 12°C
Термиз	— 29°C	Кейптаун	— 21°C
Жиззах	— 25°C	Қоҳира	— 25°C
Сирдарё	— 25°C	Гавана	— 32°C
Тошкент вил.	— 25°C	Вашингтон	— 15°C
		Нью Йорк	— 20°C

Банк тизими минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлашда гоят муҳим аҳамиятга эга. Хорижий инвестицияларни, хусусан, хорижий банклар ва халқаро молия муассасаларининг молиявий қўйилmalarини жалб этиш бу ишнинг устувор йўналиши ҳисобланади.



Миллий банк — Осиё тараққиёт банки:

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Мазкур йўналишда Миллий банк етакчилик қилиб келмоқда. Бу борада катта тажрибага ҳамда жаҳон ҳамжамиятидаги етакчи молия муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларига эга. Шунингдек, у хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан алоқа ўрнатиш, мустақамлаш, фаоллаштириш ишларини изчил давом эттирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизни халқаро молия ҳамжамиятига қўшилишида ёрдам беради.

Банкнинг вакиллик тармоғи мақбуллаштирилганлиги хорижий банклар билан алоқаларни мустақамлашда муҳим роль ўйнамоқда.



Осиё тараққиёт банки (ОТБ) 1966 йилда БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси берган таклифга кўра ташкил этилган. Ҳозирги кунда 67 мамлакат ОТБ аъзолари ҳисобланади. Улар минтақавий (48 мамлакат) ва номинтақавий (19 мамлакат) аъзоларга бўлинган. Ўзбекистон Республикаси Осиё тараққиёт банкига 1995 йилда аъзо бўлиб кирган.

ОТБ ўзи ташкил этилган вақтдан бошлаб ўз фаолиятининг асосий мақсадларини аниқ белгилаб қўйган. Хусусан, бу мақсад узоқ муддатли кредитлаш, техник кўмак ҳамда корхоналарнинг устас сармоясида иштирок этиш йўли билан Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ривожланиб келаётган мамлакатларда иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга ёрдам беришдан иборатдир.

Бутун минтақа ҳар томонлама ўсишига энг самарали тарзда кўмаклашадиган минтақавий ва миллий лойиҳалар ОТБ фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги, энергетика, молия шўъбаси, транспорт ва коммуникация тармоғи, ижтимоий инфратузилма, соғй-ёхлик инфратузилмаси шулар жумласидандир.

ОТБ томонидан 2009 йилда жами 16,1 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги қарз маблағлари ажратилди, шунингдек 3,2 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi биргаликда молиялаш маблағлари йўналтирилди.

ЯИМ 8,1% ўсди, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми тегишлича 9 ва 5,7% ошди, 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, аҳолининг реал даромади 26,5% кўпайди.

Мажлис жараёнида унинг барча иштирокчилари мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши таъминлаш соҳасида Ўзбекистонда эришилган муваффақиятлар, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши курашиш борасидаги тажрибаси билан батафсил танишиш имконига эга бўладилар.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва эркинлаштиришнинг халқаро нормаларга тўла-тўқис жавоб берадиган ҳуқуқий базаси вужудга келтирилганлиги, шунингдек, қулай инвестиция муҳити шакллантирилгани тўғрисида Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида кўплаб йўналишларда самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда. Биргаликдаги лойиҳалар аҳолини ичимлик сув билан таъминлашга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, мактабларни жиҳозлашга, ахборот ва коммуникация технологияларини таълим тизимига жорий этишга, транспорт инфратузилмасини модернизациялашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонда лойиҳаларни молиялашнинг халқаро молия муассасалари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турганига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Умуман, Ўзбекистон Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлган вақтдан буён банк томонидан умумий қиймати 1,29 млрд. АҚШ доллари бўлган 30та қарз ҳамда умумий қиймати 40,75 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи техник кўмак грантлари ажратилди.

Бунда жалб этилган умумий сумманинг 27% қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар шўъбаси лойиҳаларига, 23% таълим соҳасига, 21% транспорт тармоғига, 15% сув таъминоти ва коммунал хизматларга тўғри келади. Кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корликни ривожлантириш ҳам ОТБ томонидан молияланаётган муҳим йўналишлардан биридир.

ОТБ Ўзбекистон ҳуқуқати билан биргаликда «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётлари нашр этиш тизимини такомиллаштириш», «Донли экинлар унумдорлигини ошириш», «Қишлоқ жойларда сув таъминоти ва санитария ҳолатини такомиллаштириш» каби ва бошқа лойиҳаларни амалга оширди. Темир йўлларни такомиллаштириш бўйича иккита лойиҳа асосий минтақавий транспорт йўналишидаги 660 км. темир йўлни такомиллаштирди. 2009 йилда ОТБ Ўзбекистонда республиканинг асосий шаҳарларидаги сув таъминоти тизими ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган биринчи инвестиция дастурини 300 млн. АҚШ доллари ҳажмида мультитранш молиялаш дастурини маъқуллади.

Шуни таъкидлаш муҳимки, 2010 йилда Молиявий ҳамкорлик дастури доирасида транспорт ва энергетика инфратузилмасини модернизациялаш, кичик бизнесга кўмаклашиш соҳасидаги устувор лойиҳаларни молиялаш учун 4та қарз берилиши маъқулланди. ОТБ томонидан ажратилган бу қарзларнинг миқдори 1,14 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

ОТБ билан бу қадар кенг қўламли ҳамкорлик ривожланишига МДХ мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистон иқтисодий-иқтисодий барқарорлигини, профицит бюджет ва ижобий сальдо сальдосини сақлаб тургани сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон билан ОТБ орасидаги самарали ҳамкорлик муносабатлари кўп томонлама асосда ҳам ривожланиаяпти. Банк раҳбарияти бошқа халқаро молия муассасаларининг Марказий Осиёдаги минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустақамлаш борасидаги сазй-ҳаракатларини му-

вофиқлаштириш вази-фини ўз зиммасига олган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Осиё тараққиёт банки ўртасидаги амалий ва ўзаро манфаатли муносабатлар жўшқин ва изчиллик билан тараққий этаяпти. Иқтисодий ислохотларни ва республика ҳуқуқатининг қарорларини биринчилардан бўлиб амалга ошириб келаётган

«ЎзМиллийбанк» ўз қизғин фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ жаҳондаги қўлаб молия муассасалари, шу жумладан, Хитой Давлат тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Корея Эксімбанки, Ислон хусусий шўъбани ривожлантириш корпорацияси ва бошқалар билан самарали ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган.

ОТБ билан ўзаро муносабатлар энг самарали ҳамкорлик йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Миллий банк ОТБ дастурларида иштирок этиш доирасида муҳим ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун молиявий ёрдам олиш имкониятидан фол фойдаланиб келаяпти.

Босқичма-босқич амалга оширилётган лойиҳаларда ҳамкорликнинг аниқ мақсадлари тобора ривожланиб бораётгани кўзга ташланади. Хусусан, ОТБ билан Миллий банк ўртасида учта қарз битими имзоланган. Уларда Миллий банк ушбу лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланадиган ижро этувчи агентлик вази-фини олган. Қарз миқдори 50 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи биринчи лойиҳа қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантиришга йўналтирилган эди. Сўнг мактаблар учун ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бў-

йича 20 млн. АҚШ доллари қийматидаги лойиҳавий битим имзоланди. 2000 йилда эса, қарз суммаси 20 млн. АҚШ долларини ташкил этган, мақсади қишлоқ хўжалиги кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантирилишини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган лойиҳа маъқулланди.

Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилари Кенга-шининг йиллик йиғилиши арасида, ҳозирги кунда Тошкентда кенг қўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, Миллий банкда амалий уchrashувлар ўтказилиб, унда бир қанча ташкилий масалалар муҳокама қилинди. Шу учрашувлар доирасида Осиё тараққиёт банкининг вакиллари Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ижобий тўсга эгаллигини бир неча марта таъкидлаб, бу ҳолатни мамлакатимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустақамлаш учун хизмат қилувчи асосий омиллардан бири эканлигини қайд этдилар.

Миллий банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти республиканинг хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга, хорижий банклар ҳамда халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётига инвестициялар ва илгор технологияларни жалб этишга қаратилган. Чунки, фаол, пухта ўйланган инвестиция сиёсати юритилиши миллий иқтисодиётда сифат ўзгаришларини амалга оширишда, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришда, давлатнинг обрўсини кўтаришда ёрдам беради.

Республиканинг ташқи алоқалари жадал ривожланиб бораётгани ҳамда халқаро ҳамкорлик ишлари муваффақиятли юритилаётгани шарофати билан Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки халқаро саҳнада кўплаб халқаро банк муассасалари, турли мамлакатлар ҳамда минтақаларнинг ҳуқуқат ва жамоат ташкилотлари учун гоят ишончли молиявий ҳамкор сифатида мустақам мавқени эгаллаган.

Республиканинг ташқи алоқалари жадал ривожланиб бораётгани ҳамда халқаро ҳамкорлик ишлари муваффақиятли юритилаётгани шарофати билан Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки халқаро саҳнада кўплаб халқаро банк муассасалари, турли мамлакатлар ҳамда минтақаларнинг ҳуқуқат ва жамоат ташкилотлари учун гоят ишончли молиявий ҳамкор сифатида мустақам мавқени эгаллаган.

Банк матбуот хизмати

Баркамол авлод орзуси

Келажагимиз эгалари

Энг замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим олмоқда

Бугун мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган, бир-бирдан кўркам, ҳавас қилса арзиғулик таълим муассасалари барпо этилмоқда.



Каттакўрғон иқтисодиёт коллежи ҳам ана шундай таълим масканларидан бири ҳисобланади. Билим даргоҳида ҳозирда бухгалтерия ҳисоби, банк иши, молия, солиқ ва солиққа тортиш, хўжалик ҳуқуқий фаолияти, информатика ва ахборот технологиялари каби йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда.

— Бугун замон талабларига мос кадрлар тайёрлашни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди коллеж директори Хуршида Каримова. — Демак, асосий эътиборни моддий-техник имкониятларимизни янада мустақамлашга ҳамда педагог кадрларимиз малакасини оширишга қаратишимиз лозим. Шунингдек, коллежimizда ўқув машғулларини интернет усулда ташкил этаяпмиз.

Интернет тармоғига уланган компьютер хоналар, бадий адабиётлар, ўқув қўлланмалари ҳамда электрон дарсликларни ўз ичига олган ахборот-ресурс маркази коллежда тахсил олаётган ёшлар хизматида. Шу билан бир қаторда кимё, физика ва биология лабораториялари, тўрта лингфон хонасида билимга чанқоқ ўқувчилар амалий кўникмалар ҳосил қилишмоқда.

Коллежда жисмоний тарбия ва спорт ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган.

Бокс, волейбол, қўл тўпи, мини футбол, стол тенниси, шохмат, шашка ва бошқа бир қанча спорт тўғралаклар фаолият юритмоқда. Утган йиллар мобайнида таълим муассасасида тахсил олаётган ёшлар вилоят ва шаҳар миқёсида ўтказилаётган турли спорт мусобақаларида қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритишди.

— Коллежimizдаги 1165 нафар ўқувчига 60 нафар ўқитувчи-мураббий таълим-тарбия бериб келмоқда, — дейди молия фани ўқитувчиси Мехриддин Хушвақтов. — Ҳар қайси йўналишда иқтидорли ва талабчан ёшлар кўп. Шу боис ўқувчиларимизга ўзлари танлаган мутахассисликларни буйича пухта билим бериш билан бирга, уларнинг қобилиятини шакллантириш ва камол топтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз. Зеро, бугуннинг ёшлари, найки, ўз соҳасининг етук мутахассиси, балки ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишиши керак.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ

Ҳурматли истеъмолчилар!

Агар товарлар харид қилганингизда, бирор хизматдан фойдаланганингизда Сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчи томонидан бузилса, шунингдек, тўловларни пластик картчалар орқали амалга оширганнингизда нархлар асосиз оширилса ёки қўшимча ҳақ талаб қилинса, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳудудий бошқармалар	Ишонч телефонлари
Қорақалпоғистон Республикаси	8(361) 222-30-11
Андижон	8(374) 222-17-01
Бухоро	8(365) 223-70-48
Жиззах	8(372) 226-10-01
Қашқадарё	8(375) 226-24-01
Сурхондарё	8(376) 222-63-25
Наманган	8(369) 233-29-56
Навоий	8(436) 226-11-74
Хоразм	8(362) 226-30-93
Фарғона	8(373) 224-08-25
Сирдарё	8(367) 225-07-30
Самарқанд	8(366) 235-88-44
Тошкент вилояти	8(371) 241-67-98
Тошкент шаҳри	8(371) 233-09-39

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Роман тиллари кафедраси, кафедра мудури — 1 ўрин.
2. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси, профессор — 1 ўрин.
3. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
4. МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослик кафедраси, доцент — 1 ўрин.
5. Марказий Осиё халқлари тарихи, доцент — 1 ўрин.
6. Араб тили кафедраси, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
7. Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
8. Фалсафа кафедраси, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
9. Хитой филологияси кафедраси, ўқитувчи — 1 ўрин.
10. Жанубий Осиё тиллари кафедраси, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
11. Фарбий Европа тиллари кафедраси, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
12. Инглиз тили кафедраси, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин.
13. Иқтисодий назария кафедраси, катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ҲУЖЖАТЛАР:

1. Рептор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли 2 та фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака оширилганлиги ҳақида сертификатлари.
4. Илмий ва илмий улуғий ишлари рўйхати.



100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25.
Телефон: 233-45-21, 233-44-36.



Хоразмлик ёшлар голибликни кўзлашади

Шу йил Андижонда ўтказиладиган «Универсиада — 2010» республика финал босқичи бахсларига Хоразм вилояти талаба-ёшлари ҳам қизгин ҳозирлик кўришмоқда.

— Университетимизда ўтган йилнинг октябрь—декабрь ойларида «Универсиада-2010» дастуридан жой олган 12 спорт тури бўйича факультетлараро дастлабки босқич мусобақаларини ўтказдик, — дейди Урганч давлат университети «Талаба» спорт клуби раҳбари Баҳодир Ёлдоров. — Унда 6462 нафар талаба фаол иштирок этди.

Ана шу белаушларда кучлилар қаторидан жой олган иқтидорли йигит-қизлардан таълим даргоҳимиз терма жамоаларини шакллантирдик. Сўнгра шу йилнинг бошида ташкил этилган иккинчи босқич талаба-спортчилари билан биргаликда Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Тошкент давлат ахборот технологиялари университети Урганч филиали йигит-қизлари ҳам голиблик учун баҳс юритдилар.

Айни чоғда дастлабки босқичларда голиб чиққан энг кучли ва энг абжир талаба-спортчилардан ўн икки спорт тури бўйича Хоразм вилояти терма жамоалари шакллантирилган. Улар орасида нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ном қозонган йигит-қизларнинг

кўпчилиги эътиборлидир. Жумладан, шу йил ўтказилган мамлакат биринчилиги ва Ўзбекистон кубоги мусобақаларида Урганч давлат университети талаба ва магистрлари Нурбек Исқандаров (81 кг), Болтабой Болтаев (+100 кг), Юсуфбой Абдурахмонов (66 кг) кураш, Ўғилжон Рўзметова (57 кг), Дилмурод Маҳмурдов (+100 кг) дзюдо беллашувларида голиб ҳамда совриндорлар қаторидан жой олдилар.

— «Универсиада» — юртимиз талабаларини дўстлаштириш ва бирлаштиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди УрДУ магистранти Орзигул Гиличинова. — Андижон универсиадаси ҳаётимдаги учинчисидир. Дастлаб Самарқандда ўтган «Универсиада — 2004» мусобақаларида иштирок этиб, 100 метрга

тўсиқлар оша югуриш бўйича тўртинчи ўринни эгаллагандим. Орадан уч йил ўтиб, Тошкент универсиадасида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилдим. Мураббий ўқитувчиларимизнинг кўрсатмалари асосида ўз устимда жиддий ишлаганим сабабли Тошкентда 100 метрга тўсиқлар оша югуриш ҳамда 4x100 эстафета бахсларида кумуш медалларга сазовор бўлдим. Бу галги ниятим «Универсиада — 2010» мусобақалари чемпионлигини қўлга киритишдир.

Ҳа, хоразмлик талаба-спортчиларнинг иштиёқи балан, кайфиятлари кўтаринди. Яқинда Урганч давлат университети талаба-қизлари волейбол, баскетбол, кўл тўпи сингари спорт турлари бўйича ўтказилган бир қатор республика мусобақаларида фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишди. Бу эса Андижонда ўтказиладиган «Универсиада — 2010» бахсларида уларнинг голиб спорт турлари бўйича голибликка даъвогарлик қилишидан дарак бериб турибди.

Эркин ХОЛБОВО,
Шаҳруза ТУРСУНОВА.

Кўзларга қайтиш! Сўз санъатининг қудратини акс эттирган бу жумла ҳар қандай шеърхон кўнглида энг нозик, энг самимий ва бегубор туйғулارни уйғотади. Зеро, муҳаббатта ташна ошиқлар учун ўз сиймосини суюклиси кўзларида қўришдан ортиқ бахт йўқ.

«Кўзларга қайтиш»

Китоб жавонингизга

Бу мулки борлиқда умримиз бир хас, Менга шудир ҳаёт, менга шудир дарс.

Бундан бошқа улғу жаннат керакмас, Сенинг кўзларингга қайтгим келяпти...

Дилга яқин ушбу мисраларни истеъдодли ёш шоир Жасур Ҳусановнинг «Кўзларга қайтиш» деб номланган янги китобидан олдик.

Китоб беш фаслга ажратилган бўлиб, ҳар бирига шоирнинг кейинги йилларда ёзган энг сара шеърлари киритилган. Уни варақлаб, ўтли сатрлар мўлаҳазасига киришсангиз дам болаликнинг бегубор онлари, дам умр баҳорининг энг тотли лаҳзалари кўз олдингиздан ўтади, дам қанот ёзиб чексиз орзулар сари парвоз қиласиз, дам муҳаббатнинг буюк қасрига қадам қўясиз.



Мазкур китоб «Тафаккур бўстони» нашриётида тайёрланиб, Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида chop этилган. Ўйлаймизки, шоирнинг Ватан, табиат, меҳр-оқибат, сеvgи ва садоқат ҳақида ўзига хос услуб, ўзига хос дард билан ёзган шеърлари эзжуқ китобхоналаримиз қалбига йўл топади.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ

Сўлим юртимизнинг табиади гўзал. Агар бу гўзалликка мусаввир кўзлари билан қаралса янада рангинроқ кўринади. Манзарачи мусаввир, рангтаъсир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми Анвар Мирсоатов (Мирзо Анвар) мўйқаламига мансуб асарларни томоша қилганлар бунга яна бир қарра амин бўлади.



Абдурашад ҲАЙДАРОВ оlingан сурат.

Юртимизнинг рангин лаҳзалари

Гўё ўзингизни кўрғазма залида эмас, юртимиз табиади кўйинда юргандай ҳис қиласиз. Мирзо Анвар Тошкентда туғилди, табиад шайдоси бўлиб вояга етди. Олдин рассомчилик билим юртида, кейин Тошкент давлат педагогика институтини мусаввирлик сирларини ўрганди. Мана ярим асри юрт кегади. Бу сафарларда унинг «Ва-

тан ҳақида кўшиқ», «Сижжақ», «Богостон», «Ургут», «Фарғонада ҳовлиси» каби бетақдор асарлари дунёга келди. Таниқли рассомнинг асарлари АҚШ, Япония, Буюк Британия, Швеция сингари давлатлардаги музейлардан муносиб ўрин олган. Қуни кеча Ўзбекистон Бадиий академиясида Анвар Мирсоатовнинг «Она юрт қуйчиси» деб

номланган кўрғазмаси очилди. Унга рассомнинг икки юздан ортиқ асарлари қўйилган. Табиат шайдолари, рангтаъсир муҳлислари кўрғазмага ташриф буюриб, юртимизнинг рангин лаҳзалари билан танишишлари мумкин.

Матлуба ШОДИЕВА,
Юлдуз РАҲИМОВА,
ЎЗМУ талабалари.

Мутахассис оғохлантиради

Ёнгин хавфсизлигига амал қилайлик

Хабарингиз бор, қиш олди юртимизда ҳар йили ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади. Ойлик давомиди ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан аҳоли ўртасида учрашувлар ташкиллаштирилади. Оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилади. Аммо қиш ўтгач ҳам ёнгин хавфсизлигига бепарво қараб бўлмайди.

ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир беғамроқ бекаларимиз эса газ плиталарини вақтида ўчирмай, ёнгин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар.

Ёнгин хавфсизлиги қондалари риоя қилинса ҳар бир фарқо йилга йиққан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса, ўзи ва яқин кишилари йиқилиш хавфини асраб қолган бўлади. Агарда биз оддий ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмасак, уйимизда ёнаётган олов бизга фидат дўст сифатида хизмат қилади.

Азиз ЮЛДАШЕВ,
Тошкент шаҳар ёнгин хавфсизлиги хизмати ходими, майор.

Чунки баъзи хонадонларда қўлбола ясалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда ёки иситиш мосламасидан нотўғри фойдаланади. Натижада ёнгинлар келиб чиқиб, фуқаролар соғлиги ва мулкига хавф пайдо бўлади.

Афсуски, бундай ҳолатлар ва бепарволик бошқа пайтлар ҳам учрайди. Масалан, айрим фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича хавфсизлик қондаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатлари корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида

Бош соврин кимга насиб қиларкин?




ИНТЕР СПОРТ
Бу жамоаларнинг Мюнхенда ўтказилган биринчи учрашувида Роббен томонидан киритилган ягона гол мезбонларнинг галабасини таъминлаганди — 1:0.

Шу боис, жавоб ўйинида кўпчилик «Бавария» вакиллари Франкияда осонликча зафар қучишига ишонқирашмаётганди. Аммо илк дақиқалардан бошлаб ташаббусни қўлга олган мюнхенликлар ўзларининг ҳужумкор ўйинлари билан барчани лол қолдиришиди. Натижада шиддатли кечган учрашувида «Бавария» аззоси Ивица Олич «хет-трик» муаллифига айланди — 0:3.

Иккинчи финалчи номини аниқлаб берган бахс Испанияда «Барселона» — «Интер» (Италия) жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Миланда ўтказилган биринчи ўйинда аввалига 0:1 ҳисобиди имкониятни бой бера туриб, яқинда икки тўп фарқи би-

лан (3:1) галаба нашидасини сурган Жозе Моуриньо шоғирдлар бу гал мағлубиятга учрашди. Бироқ «Барселона»нинг кичик ҳисобидаги (1:0) галабаси «Интер» футболчиларининг финалга йўлланма олишлариға ҳалал беролмади. Эслаб ўтамиз, миланлик футболчилар охири маротаба 1972 йили Европа чемпионлари кубоги фи-

налада майдонга тушган. Шундан бери «Интер» жамоаси бундай нуфузли мусобақа финалига йўлланмани қўлга киритмаган эди. Энди 22 май кунни Мадриддаги «Сантьяго Бернабеу» стадияда қўлга олишда буларнинг устаси, миланлик футболчилар охири маротаба 1972 йили Европа чемпионлари кубоги финалида «Фулхем» вакиллари Германиянинг «Гамбург» жамоасини икки ўйин натижасига кўра доғда қолдиришиди — 2:1 (биринчи учрашув — 0:0). Иккинчи жуфтликда «Ливерпул» (Англия) — «Атлетико» (Испания) футбол клублари ўзаро рўбарў келди. Бу жамоаларнинг дастлабки ўйинида испанияликлар 1:0 ҳисобида галаба қозонишганди. Англияда ўтказилган жавоб учрашувининг асосий вақтида мезбонлар худди шу ҳисобда зафар қучишган бўлса-да, қўшимча вақтда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Яқинда «Атлетико» футболчилари меҳмондан киритган гол эвазига бахсларни давом эттирадиган бўлишиди. **12 май кунни Гамбургда бўлиб ўтадиган Европа лигаси финалида «Фулхем» — «Атлетико» жамоалари ўзаро куч сынашади.**



«Сурхондарё — этнографик макон»

воҳанинг қадимий тарихи, урф-одати, санъати ва маданиятини ўрганиш ишлари изчил давом этмоқда

Бойсуноғ тизимлари бағрида ўрта тош постолиг даврига мансуб манзилларнинг қолдиқлари топишган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу топилмалар қарийб бир миллион йил аввалига тўғри келар экан. Шунингдек, мазкур тоғларда динозаврларнинг тошда қотган излари ҳам дуч келинган. Бойсуноғнинг шимолӣ-ғарбидаги Тешиктош горидан қазиб олинган боланинг бош суяклар дунёда «Неондарталь адам» номи билан машҳурдир.

Воҳада мингдан ортиқ қадим манзил учрайдик, улар дунё олимларини ҳам қизиқтириб келяптир. Айри-томда ўрта тош даврига оид осори-атиқалар, Маҷари гориди хилма-хил тош қуроллар мавжуд. Виқорли Боботоғда бобоконларимиз қадимда

темирчилик билан шуғулланганидан сўйласа, Шеробод, Шўрчи ва Бандиконда 3 минг йиллик охири ва 2 минг йилликнинг бошларида ҳаёт қайнагани аниқланган. Утган йили фойдаланишга топширилган Термиз давлат университетининг янги биноси очилиш тантаналарида иштирок этган Юртбошимиз воҳанинг қадим тарихи, ўзига хос турмуш тарзи, кадриятлари ҳамда маданиятига юксак баҳо бериб, «Сурхондарё — этнографик макон» дастурини яратиш тақлифини билдирган эди. Шунга асосан, Термиз университети профессори, тарих фанлари доктори Сайфулло Турсунов томонидан «Сурхондарё — этнографик макон» дастури лойиҳаси тайёрланди. Ушбу

лойиҳа Вазира Маҳамаси ҳузурдаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан тасдиқланди. Лойиҳа 2011 йилга қадар мўлжалланган бўлиб, умумий қиймати 34 миллион сўмини ташкил этади. — Ушбу хайрли ва эзгу ишдан кўзланган асосий мақсад воҳанинг бебаҳо осори-атиқалари, урф-одатлари, маданияти, қадимий аъёнларини ўрганишдир, — дейди Сайфулло Турсунов. — Маълумки, Марказий Осиёда биринчи бўлиб тасвирий санъат ҳам айнан шу ерда шаклланиган. Зараутсойдан топишган 200 дан ортиқ ибтидоий расмлар, тошга қизил бўёқ билан чизилган суратлар этнографияга оид санъат манбаси сифатида асослаб берилган. Бу милоддан аввалги минг йилликни ўз ичига олган. Шунингдек, воҳада аънавий деҳқончилик минг йиллик тарихга эга.

Олимлар томонидан милоддан аввалги 3 минг йиллик ва 2 минг йилликнинг бошларида (Бронза даври) бар-

ча ҳудудларда зироатчилик яхши ривожлангани, этнографик олимлар Сополнитепа, Муллани, Жарқўтонда бугдой, арпа, сули, пахта экилганини ҳам аниқлашган.

...1932 йилда Амударё қирғоқларидан 5 та сурат топилди. Унда созаанда аёллар ранг-баранг либосларда бўлиб, бирлари уд, яна биттаси арфа чалаётгани тасвирланган. Бошқа суратда эса қўлларида гулчамбарли қизлар акс этган. Ушбу топилма халқимиз қадимда мусиқа асбобларига, санъатга, қўшиққа, алоҳида эътибор қаратганидан далолатдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2009 йил 16 январдаги ҳал қилувчи қарори билан Юқори Чирчиқ тумани, Бордонқул Қ.Ф.И. худудиди жойлашган 8 та технология сув хавзаларига бўлган мулк ҳуқуқи фуқаро Нармотов Баҳадирга тан олинганлиги сабабли Тошкент вилояти «Ермулкдаст» хизмати томонидан мазкур объекта 2009 йил 06.10. да «UMMON-JAXON» МЧҚ номига расмийлаштирилган серияси ТА № 0816403-сонни гувоҳнома ва техник кадастр ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топилди.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'afvor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiiddin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Chirchilov RUMATOV, Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLARI: Partiya hayoti 233-10-13, Madaniyat va sport 233-69-45, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56, Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80, Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda — 25-32-70, Buxoroda — 223-06-02, Gulistonda — 25-46-45, Jizzaxda — 227-48-35, Navoiyda — 223-83-73, Namanganda — 226-43-81, Nukusda — 222-77-21, Samarqandda — 35-02-55, Urganchda — 517-30-58, Farg'onada — 224-18-78, Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonasi mansilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 449
13594 nusxada bosildi
t — Tjorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'za yakuni — 22.20
Toshiriltirilgan vaqti — 23.35
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda